Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда—3 сўм.

1992 йил 6 ноябрь, жума № 219 (21.317).

ХАЛҚ ЭҲТИРОМИ

КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИДА ТАНИҚЛИ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ, ЁЗУВЧИ ВА АЖОЙИБ ИНСОН ШАРОФ РАШИДОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛДИ

Ислом КАРИМОВ:

● Шароф Рашидов ўз даврининг фарзанди эди... Тинч ётганни гўридан олиб, руҳини чирқиратган нобакорларнинг айбу хатоларини тузатиб, энди шу одамнинг ҳурматини жойига қўяйлик.

● Агар олий адолат мавжуд бўлса, бизнинг эътиқодимизга кўра халқ фикри олий ҳақиқатдир, худди ана шу адолат, худди ана шу ҳақиқат Шароф Рашидов номи билан боғлиқ бўлган, жумҳурият ҳаётидаги ўзгаришларда катта аҳамиятга эга бўлган улкан ўзгаришларни рад эта олмайди...

● Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини нишонлашдан мақсад, авваламбор, бу улуғ зотнинг ўттиз йилдан кўпроқ Ўзбекистонимизга, халқимизга қилган хизматини улуғлаш, номини авлодлар учун тиклашдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Ш. РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Жиззах, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари, Тошкент шаҳри меҳнаткашлари, республика ижодкор зиёлилари ва кенг жамоатчиликнинг атоқли давлат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидович Рашидов туғилганига 75 йил тўлишини кенг нишонлаш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Юбилей комиссиясининг таркиби тасдиқлансин. Комиссия бир ой муддат ичида Ш. Р. Рашидов таваллудининг 75 йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқиб, уни бажаришга киришсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

(«Ўзбекистон овози», 1992 йил, 10 июнь).

● Тошкент. 1992 йил, 5 ноябрь. Шароф Рашидов ҳайкали очилиши маросимида.

Суратларни махсус мухбирларимиз **В. МОЛГАЧЕВ** ва **Е. БОТИРОВ**лар олган.

АДОЛАТ РЎЁБИ

Абдулҳошим МУТАЛОВ,

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

Биз мазмун ва моҳият жиҳатидан тарихий кунларда яшамоқдамиз. Бу кунлар халқимиз мустақилликка эришган ва уни мустаҳкамлаш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган бир пайтга тўғри келмоқда. Ўзбекистон тарихида мутлақо янги саҳифа очилди. Уни дунё тан олди. Чет давлатлар билан кенг миқёсда дипломатия ва савдо-иқтисодий алоқалари ўрнатилмоқда. Деярли барча халқаро ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ташкилотларнинг аъзоси бўлдик. Биз жаҳон ҳамдўстлигининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида умуминсоний қонун-қоидалар асосида яшай бошладик.

„Республикада янги сиёсий партиялар, ҳаракатлар, жамоалар пайдо бўлиб, ишимизда демократик принциплар қарор топмоқда. Ўзбекистонда кенг кўламда ўзига хос иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилянти. Сўзсиз, бу ислоҳотлар Ўзбекистоннинг тараққиётига, аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги оғир даврида ҳукуматнинг асосий диққат-эътибори аҳолини иложи борича ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилмоқда. Бу эса ўтиш жараёнини бирмунча юмшатмоқда. Бундай инсонпарварлик ёндашувини халқимиз тўғри тушуниб, ижобий баҳоламоқда.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида биринчи бор ўзининг асосий қонуни — Конституцияси лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйди, давлатни бошқаришнинг демократик усуллари шаклланиб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти нима, унга Ўзбекистон қайси йўл билан ўтади, бунда устувор йўналишлар нимадан иборат, деган саволларга биз ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласидан атрофлича жавоб топамиз. Истиқболимиз дастурий ҳужжати бўлиб қолган бу асарда Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати концепцияси, республикани ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари, теран баён этилган.

Ўзбекистоннинг ҳақиқатан ҳам ўз йўли, тарихи, маданияти, маънавияти, табиий шароити, иқтисодий имкониятлари бор.

Ҳозирги мураккаб шароитда бизга бир нарса ишонч бағишлайди, у ҳам бўлса, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорликдир. Тинчлик, осойишталик, бир биримизга ҳурмат-эътибор бор экан, халқимиз бу қийин даврда ўз маданияти ва маънавиятини сақлаб қолади. Тинчлик бўлса, ҳаётимизни яхшилаш учун бизда барча имконият, шарт-шароит мавжуд.

Шу ўринда сабр-тоқатли, қийинчиликларга чидамли, олди-қочди гапларга учмайдиган, бирни кўриб мулоҳаза қиладиган, иккини кўриб хулоса чиқарадиган доно халқимизга самимий миннатдорлик билдирмоқчиман.

(Давоми иккинчи бетда).

МУҚАДДАС ХИЁБОН ЗИЁРАТИ

Бугун ўзбек халқининг азиз ўғлони, юртнинг отаси Шароф Рашидов дунёга келган кун. Халқимиз ўзининг ардоқли фарзанди-атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини катта тўй сифатида кенг нишонламоқда.

Бундан тўққиз йил олдин телеграф симлари орқали тарқалган мудҳиш хабар бутун мамлакат аҳолисининг қалбини титратиб юборди. Миллионлаб одамлар суюкли отаси ва ардоқли мард ўғлонидан айрилди. Ёзувчининг таъбири билан айтганда, ўша кунлари диёримизда улкан тоғ ағанаб тушгандек бўлди. Халқ бахт-саодати учун жафо чекиб, садоқат билан меҳнат қилган инсон жасади ерга қўйилсада, лекин унинг буюк номи ҳамманинг қалбига абадий муҳрланиб қолди.

Шароф отанинг жисми бу дунёдан кетди-ю, лекин у ўз халқининг, ўз фарзандларининг, ўз шогирдларининг, ўз ўқувчиларининг меҳрли қалб дарёсида сузиб юраверди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан кейин Шароф Рашидов ҳаётлигида орзу қилган кунлар келди. Унинг номи республика мустақиллиги номи билан мазмунан муштараклашиб, чамбарчас бўлиб кетди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти

(Давоми иккинчи бетда).

ОЛМАОТАДА УЧРАШУВ

Тожикистондаги аҳволни шошилинч равишда муҳокама қилиш, қирғинни тўхтатиш юзасидан аниқ чора тадбирларни ишлаб чиқиш учун Олмаотага йиғилган давлат бошлиқларининг учрашуви тез тугаган бўлса ҳам, жуда самарали бўлди. Бу учрашув 4 ноябрь куни Олатов этагидаги Ҳукумат биносида бўлди. У Тожикистон раҳбариятининг илтимосига биноан ўтказилди. Учрашувда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов, Қозоғистон Президенти Н. А. Назарбоев, Қирғизистон Президенти А. А. Ақаев, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири А. В. Козирев ва Тожикистон Республикасининг Президенти вазифасини ижро этувчи А. И. Искандаров қатнашдилар.

(ЎзА).

ОЛМАОТА учрашуви қатнашчилари Тожикистонда вужудга келган бухронли вазиятдан ниҳоятда ташвишланаётганликларини изҳор этиб ҳамда учрашувда қатнашаётган Тожикистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Тожикистон Олий Кенгаши Раиси А. И. Искандаровнинг бир неча бор қилган мурожаатини эътиборга олиб, Тожикистон халқи миллий ҳалокат ёқасида турганлигини билдирадилар. Тожик давлатининг яшаши хавф остида турибди. Давом этаётган қуролли можаро аслида тўла миқёсли фуқаролар урушига айланмоқда. Қон тўкилмоқда, қурбонлар сони кун сайин ортиб бормоқда, қочоқлар оқими кўпаймоқда. Тожикистон ўз уйи бўлиб қолган турли миллатларга мансуб ўн минглаб фуқаролар бу ерда жон сақлашларига ишонмай уни тарк этмоқдалар.

Иқтисодий турмуш издан чиққан, аҳолининг ҳаётини таъминлаш тизими бузилган, очарчилик, оммавий касалликлар тарқалиши хавфи туғилди.

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг Тожикистон Республикасидаги аҳвол тўғрисида

ҚЎШМА БАЁНОТИ

Шуни айтиш керакки, Тожикистондаги вазият тўла тўкис назоратдан чиқиб кетиши мумкин, биродаркушлик уруши алангаси Ўрта Осиё минтақасидаги ва унга чегарадош давлатлардаги хавфсизлик ва барқарорликка хавф солмоқда.

Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Россия Тожикистоннинг тақдирига бефарқ қараб тура олмайдилар. Тожикистон билан халқларимизни дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамнинг узилмас тарихий ришталари боғлаб турибди. Бу ришталар тожик халқига ўз диёрида тинчлик ва ҳуқуқ тартиботни тиклаш мақсадида барча зарур мададни беришга тайёрликни тасдиқлайди. Тожикистонда тинчлик ўрнатишга қаратилган ҳаракатлар ва воситачилик саъй-ҳаракатлари давом эттирилади, одамийлик, иқтисодий ва бошқа ёрдамлар кўпаяди.

Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон Президентлари Россия Федерацияси билан Тожикистон Республикаси ўртасидаги келишувга биноан Тожикистон ҳудудида жойлашган Россия қуролли кучлари 201-дивизиясининг қисмлари ва бўлинмалари тинч аҳолини ва ҳаётий муҳим иншоотларни қўриқлашда, тинчлик ва ҳуқуқ-тартиботни тиклашда Тожикистонга ёрдам беришларини ёқладилар. Шу билан бирга дивизия ҳеч қандай ҳолатда сиёсий курашда қатнашмайди ва бир-бири билан урушаётган бирон гуруҳнинг ёнини олмайди. Уларнинг фикрича, бу қисмлар ва бўлинмалар тинчликни сақлаш коллектив кучининг асоси бўлиши лозим, бу кучларда Тожикистон Республикасининг мурожаатига мувофиқ МДҲда қатнашувчи бошқа мамлакатлар иштирок этади.

Тожикистонда сиёсий барқарорликка эришиш манфаатларини кўзлаб, учрашув қатнашчилари А. И. Искандаровнинг Тожикистон Республикаси Давлат кенгашини шошилинч равишда тузиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлайдилар. Кенгашда мамлакатдаги барча минтақалар ва сиёсий кучларнинг вакиллари қатнашиши, кенгашнинг ваколатлари ва таркибини 20 ноябрдан кечикмай чақириладиган Олий Кенгаш сессиясида тасдиқлаш мумкин бўлур эди.

Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Россия Президентларининг вакилларини Тожикистонга келаётган одамийлик ёрдамини тақсимлашни мувофиқлаштириш учун Душанбега юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Учрашув қатнашчилари Тожикистон Республикасидаги аҳволни барқарорлаштириш юзасидан коллектив ҳаракатларга қўшилиш ҳақидаги илтимос билан бошқа мамлакатларга — Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги қатнашчиларига мурожаат қиладилар. Улар жаҳон ҳамжамиятининг бошқа аъзолари, БМТ, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг ана шу куч-ғайратларга кўмаклашувини табриклаган бўлур эдилар.

Учрашув қатнашчилари Тожикистон халқига улар учун қийин бўлган шу дамларда мурожаат этиб, тожик халқи ўз тарихининг фожиали саҳифасини иложи борича тезроқ ёпиш, ўзининг қадимий ўлкасида тинчлик ва осойишталикни тиклаш учун куч топишига ишонишларини маълум қиладилар.

Олмаота,
1992 йил 4 ноябрь.

ЭРОН ЭЛЧИХОНАСИ ОЧИЛДИ

5 ноябрь куни Тошкентда Эрон Ислом жумҳуриятининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси очилди.

Эрон Ислом жумҳуриятининг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Сайиид Муҳаммад Мусо Ҳошимий Гулпоёгоний йиғилганлар ҳузурида қисқача нутқ сўзлади. У табрик учун сўзни Эрон Ислом жумҳурияти ташқи ишлар вазирининг муовини Маҳмуд Воизийга берди.

Маҳмуд Воизий Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни Эрон Ислом жумҳуриятига расман таклиф этганини ва бу таклиф қабул қилинганини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов Эрон Ислом жумҳурияти элчихонаси очилиши билан Эрон дипломатларини самимий қутлади ва Ўзбекистон—Эрон муносабатларини янада ривожлантиришга муваффақият тилади.

Тантаналарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармасининг раиси муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар. (ЎзА).

БУЮК ЗОТЛАР ЭЛ ҚАЛБИДА МАНГУ ЯШАЙДИ!

Тарихда қолган лаҳзалар

● Шароф Рашидовнинг онаси Қўйсиной ая.



● 1942 йил. Жангчи Ш. Рашидов отаси Рашид бобо билан.

● Унинг табассуми ўзидек самимий.

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Қадриятларимиз тикланяпти. Тарихга, шахслар фаолиятига умумжаҳон мезонлари талаблари асосида баҳо берила бошланди. Турон—Мовароуннаҳрда яшаб ўтган улуғ бобокалонларимиз меросининг халқимизга тўлалигича қайтарилаётгани, миллий урф-одатларимизга кенг йўл очилаётгани қалб эҳтиёжи сифатида қабул қилинаётганини фақат табриклаш керак.

Социализм шароитида шахс фаолиятига баҳо беришда муросасиз муносабат ҳукмронлик қилди, одамлар икки қутбга ажратилди, ўртадаги учинчи йўл ёки муроса майдони йўқотилди. Шунга мувофиқ, шахс фаолияти ё пайғамбар даражасига чиқариб улуғланди, ё бутунлай қора бўёқларда ифодаланди. Ҳолбуки, табиатнинг нодир мўъжизаси, олмос қиррали фаолият соҳиби—инсон бундай сиқиқ ўлчовларга сиғмас эди. Натижада қанчалаб кишилар бадном этилди, қатағон қилинди.

Ўтмишга тўғри баҳо беришда ҳикмат кўп. У бугун ва келажакда бизни хатолардан асрайди.

Шароф Рашидов фаолиятига баҳо беришда ҳам юқоридагидек бирёклама йўл тутилди. Унинг барча хизматлари рад этилди. Номи бадном қилинди. Афсуски, бу шўришлар у тириклигида эмас, балки вафотидан кейин, ҳатто қабрининг тупроғи совимасдан бошланиб кетди. Бу хатти-ҳаракатлар на мусулмончиликка, на оддий инсоний ахлоқ-одобга тўғри келарди.

«Шарофрашидовчилик» деган сунъий атаманинг тўқиб чиқарилгани, худди жиноят кодексидаги модда сингари бу айб билан кўплаб кишилар қатағон қилингани шунчаки англашилмовчилик эмас, балки мустабидлар 37-, 50-йилларда ўтказган қирғин, миллатнинг етук фарзандларини йўқ қилиш тадбири экани бугун маълум бўлиб қоляпти.

Шундай қилиб замон ғилдираги тескари айлана бошлаган пайтларда кечагина соясига салом бериб юрганлар ҳам соҳилнинг нариги томонига ўтиб, унга тош отишдан уялмадилар. Бироқ иймони бутун, эътиқоди мустаҳкам кишилар унинг номини, хизматларини унутмадилар. Улар қаторида садоқатли шогирдлари, бирга ишлаган сафдошлари, ҳатто уни бирор марта кўрмаган, лекин буюклигини қалбан ҳис этган кўплаб кишилар бор эди. Унинг жасади дафн этилган ер каттакичикнинг қадамжойига айланди. Бу халқнинг ўз фарзандига чинакам меҳри эди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг қатъияти, жасорати ҳали «қизил империя» барбод бўлмаган кезлардаёқ самарасини бера бошлади. Мураккаб шароитда халққа раҳбарликни зиммага олган юртбошимиз жойларда бўлиб, одамлар қалбига қулоқ тутиб, Рашидовнинг хизматларига холисона баҳо бериш фурсати етганини, бу кўплаб кишиларнинг дил истаги эканини ҳис этиб, ўзига хос мардлик билан буни элга ошкор қилди.

Бу мустақилликка қадам қўйган мамлакатнинг тарихида нурли из қолдирган, тараққиёти ва равнақи йўлида катта ишлар қилган фарзандига миннатдорлиги эътирофи эди.

У ўзида ўзбек халқига хос меҳнатсеварлик, камтарлик, қолаверса улуғворлик, уддабуронлик, ишбилармонлик каби ажойиб хислатларни мужассамлаштирган инсон, Ўрта Осиёдаги аҳолиси энг кўп йирик давлатнинг обрўли раҳбари эди. Шароф Рашидовни оқлаш, уни халқимиз тарихи ва маънавиятида тутган ўрнига қўйиш ҳозирги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган халқчил сиёсатнинг ёрқин намунасидир. Бу инсон ҳақ-ҳуқуқларини (ҳаётидан кейин бўлса ҳам) ҳимоя қилиш намунаси бўлиб, ҳуқуқий, халқчил жамият қуришдаги ишларимиздан биридир. Инсон — улуғ зот, унинг хотираси эса муқаддасдир.

Мустақил Ўзбекистон катта мақсадлар билан яшамоқда.

Истиқболда мислсиз ишларни бажариш вазифаси турибди. Албатта, бу юмушларни адо этишда ҳамма нарсани йўқ жойдан бошлашга тўғри келмайди, бинобарин, бизнинг асрлар давомида шаклланган турмуш тарзимиз, раҳбарлик тажрибамиз бор. Тажрибалар хазинасида Шароф Рашидов эришган муваффақиятлар катта ўрин тутади. Шу ўринда менда уни илоҳийлаштириш, пайғамбар даражасига кўтариш истаги йўқлигини эслатиб ўтишни истардим. Бир инсон сифатида яшаб ўтган, ўз имконияти даражасида муваффақиятга эришган, камчиликларга йўл қўйган, енгган-енгилган, барибир яхши ном қозонган зот биз билан бирга.

Аниқ бир тасаввур ҳосил қилиш учун, келинг, Ўзбекистоннинг Шароф Рашидов раҳбарлик қилган 60—80-йиллардаги тараққиёт даврини кўз олдимизга келтирайлик. Маълумки, унинг масъул лавозимда иш бошлаган даври шахсга сиғинишга қарши кураш муросасиз тус олган пайт эди. Шундай ҳолатда ҳам ишлар қизғин давом эттирилди. Ўзбекистонда деҳқончилик устун даражада ривожланди. Мирзачўл, Қарши, Марказий Фарғона ҳамда Сурхон—Шеробод чўлларининг бой хазинаси инсон манфаатларига бўйсундирилди. Ўтган 20 йил ичида 1335 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилиб, 662 та совхоз ташкил этилди.

Бунда Рашидовнинг хизмати катта, албатта. Бу ютуқлар марказ билан ҳисоблашиш, унинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришдек тазйиқ остида, айни бир пайтда миллий манфаатларни бой бермаслик тамойили асосида қўлга киритилди. Ўзбекистонни доимий хом ашё базасига айлантиришнинг оқибатлари аниқ эди. Ана шундай шароитда турли йўллар билан саноат ва техникалашган ишлаб чиқаришни жорий этишга ҳаракат қилинди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Шароф Рашидовда марказнинг темир иродасига қарши бора олиш салоҳияти бор эди. Кремль пахта ялпи ҳосилини 6 миллион тоннага етказиш талабини қўйганида у Сибирь дарёлари сувини Ўрта Осиёга буриш масаласини ўртага ташлаб, лойиҳа ишлари бошлаб юборилишига эришди.

Шароф Рашидов Тошкентни севарди, уни дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантириш орзуси билан яшарди. Бу туйғу ифодасини 1966 йилги зилзиладан кейин қайта туғилган пойтахтнинг жамолига қараб тўла ҳис этиш мумкин. Эндиликда Мустақиллик, Халқлар дўстлиги, Хадра майдонлари бетимсол меъморчилиги билан кўпчиликни ҳайратга солмоқда. Тошкентнинг бош майдони архитектураси ўша пайтда давлат мукофотини олди. Пойтахтда Чилонзор, Юнусобод, Қорақамиш каби янги даҳаларда кўплаб турар жойлар бунёд этилди. Тошкент метрополитени қурилиши билан боғлиқ ташвишлар Ш. Рашидов фаолиятининг муҳим қирраларидан бирини ташкил этди. Ҳамма нарса марказнинг рухсати билан ҳал қилинадиган шароитда Ўрта Осиёда ягона замонавий ер ости қатнов воситасини қуришга рухсат ва маблағ олиш учун у озмунча заҳмат чекмади.

Шароф Рашидов Ўзбекистонда илм-маърифатнинг ҳомийси сифатида танилди. Адабиёт ва санъат ўн кунликлари, Тошкент руҳини бутун жаҳонга тарғатган Осиё ва Африка ёзувчиларининг, шунингдек ана шу икки қитъа намояндалари конференцияларининг ўтказилиши анъана бўлиб қолди. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент халқаро кинофестивали обрўли киноанжуманлар қаторида жаҳон маданияти тарихида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Ш. Рашидов муҳим давлат ишлари билан қаттиқ банд бўлишига қарамай, бадиий ижодни тарк этмади. Унинг йирик асарлари кўпгина хорижий тилларга таржима қилинган.

Шароф Рашидов халқаро миқёсда обрў қозонган эди. У Совет Иттифоқи делегациясининг бошлиғи сифатида Куба, Жазоир, Мали, Индонезия, Ҳиндистон, Гвинея, Чили, КХДР, Италия, Австрия, Ироқ, Болгария ва бошқа хорижий мамлакатларда бўлди.

Рашидовнинг бутун фаолияти, аввало, она-Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган эди. Бугунги кунда эришган буюк бахтимиз — мустақиллик асрий орзулар ушалганидан далолатдир. Шубҳасиз, бу кунларни Шароф Рашидов ҳам орзу қилган эди.

Ўзбекистон мустақиллик байроғини баланд кўтарди. Ҳозирда ўзи танлаган йўлда дадил қадам ташламоқда. Қисқа муддатда Ўзбекистонда жуда катта ишлар амалга оширилганини бутун жаҳон эътироф қилмоқда. Аввало шуни таъкидламоқчиманки, она юртимизнинг халқаро обрўйи ошиб бораётир. 130 га яқин давлат Ўзбекистонни тан олди. Ҳозир юртимизда 14 давлат элчихонаси ишлаб турибди.

Бизда ўзига хос улкан иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жадал суръатлар билан бошланиб кетди. Сўзсиз, бу ислоҳотлар тараққиётга, аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилашга хизмат қилади.

Лекин, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакатнинг Совет Иттифоқининг тарқалиши оқибатида рўй берган, яъни юз бериши муқаррар бўлган бугунги танг аҳволдан олиб чиқиш бевосита ўзимизга боғлиқ. Биз бировлар байроқ қилиб юрган ёт шиорлардан нусха кўчирмадик. Бозор иқтисодиётига ўтишни шошмасдан, аҳолининг ночор табақаларини ижтимоий ҳимоялашдан, одамларни асраб-авайлаб, етарли шарт-шароитлар яратиб беришдан бошлояпмиз. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди! Халқининг ярми болалар, ёшлар бўлган давлатнинг бирданига бозор муносабатларига ўтиши осон эмас. Шуларни инобатга олиб, 1992 йилнинг ўзидагина бешта фармон чиқарилиб, аҳолининг эҳтиёжманд табақалари ва кўп болали оилаларни мустаҳкам ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари белгиланди.

Ушбу фармонларни ижро этиш учун ўтган 9 ой мобайнида республика иқтисодиётининг танг аҳволига қарамай, 22303,8 миллион сўм сарфланди.

Халқимизнинг асосий қисми қишлоқда яшайди. Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси шаҳардагига нисбатан паст экани ҳеч кимга сир эмас. Барчани тўйдириб, барчани кийдириб келаётган инсонлар адолат юзасидан тўқроқ яшаши керак эмасми?!

Қишлоқ хўжалигини тезроқ оёққа турғазиш учун энг аввало, деҳқон (фермер) хўжаликларини кўпайтириш, қишлоқларда кичик корхоналар қуриш, шу орқали аҳолини иш билан таъминлашга эришиш зарур. Бу тадбирлар қишлоқни тараққий эттириш, ялпи даромадни кўпайтиришга ҳам ёрдам беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 10 мингдан кўпроқ фермер хўжалиги бор. Уларга 80,6 минг гектар ер ажратилган.

Фермерлар ҳақидаги фармоннинг бажарилишини Давлат назорат қўмитаси мунтазам текшириб турибди. Республика агросаноат банкига деҳқонларга мол сотиб олиш учун 50 минг сўмга қадар нақд пул бериш топширилди.

Ҳозирча биз «рубл»нинг тазйиқида яшашга мажбурмиз. Ахир, қардош республикалар билан шунча йилдан бери давом этиб келаётган иқтисодий алоқаларни узиш шарт эмас. Аммо эндиги иқтисодий алоқалар янгича—тенглик ҳамда ўзаро манфаат асосида амалга оширилиши лозим.

Ушбу ўтиш жараёнида ижтимоий онгни шакллантириш катта аҳамият касб этади. Биз бепул таълим, тиббий ёрдамга ўрганиб қолганмиз, коммунистик мафкура одамлардаги ташаббусни бўғиб қўйган эди. «Ҳамма нарса—давлат мулки» деган ақида мияга сингдирилиб, кишилар мулкдорлик туйғусидан бегона бўлиб қолган эди. Айни пайтда, давлат ҳамма ишимизни қилиб беради, дея қўл қовуштириб ўтирганлар ҳали анчагина. Шунинг учун ҳам мулкни хусусийлаштириш олдимизда турган катта вазифалардан бири ҳисобланади. Ана шу масъулиятли вазифани ўз вақтида, самарали амалга ошириш мақсадида республикада давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси ташкил этилди. Мулкчиликнинг турли шакллари — ширкат мулки, давлат мулки, акционерлик мулки, шахсий мулк ва бошқаларнинг ривож топиши нафақат рақобатни кучайтиради, балки халқ эҳтиёжларини тезроқ қондириш имкониятини беради. Муайян корхоналарни, аввало, майший хизмат ва савдо корхоналарини хусусийлаштириш иқтисодни жонлантиришда катта роль ўйнайди.

Иншоолло, эзгулик тантана қилади, маънавиятларимиз батамом тикланади.

Бу борада Ш. Рашидов юбилейини ўтказиш ҳукумат комиссияси ҳам муайян ишларни амалга оширди. Комиссия республиканинг барча вилоятларида ўтказиладиган юбилей тадбирларига бош-қош бўляпти.

Юбилейнинг асосий тадбирларини Тошкент ва Жиззах шаҳарларида ўтказиш режалаштирилган. Табарук тўйга атаб аднбнинг «Эрк истар кўнгил», «Кашмир қўшиғи» китоблари нашр қилинди. Шунингдек, у билан бирга меҳнат қилган сафдошлари ва юртдошларининг хотиралари ҳам китоб ҳолида чоп этилди. А. Рашидовнинг «Акам ҳақида», И. Сулаймоновнинг «Эл отаси эди» китоблари шулар жумласидандир. Ўзбекистон киночилари унинг серқирра фаолияти ва ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи «Шароф Рашидов» деган ҳужжатли фильм яратиб, халқимизга ҳадя этдилар. Газета ва журналларда, телевидение ва радиода Ш. Рашидовга бағишланган суҳбатлар, кўрсатувлар мунтазам бериб бориляпти.

Ишончимиз комилки, юбилей тантаналари нафақат адолатни тиклаш, балки мана шу мураккаб даврда одамларнинг бошини қовуштириш, олдимизда турган машаққатли муаммоларни баҳамжиҳат, бир ёқадан бош чиқариб ечишга ҳам муносиб ҳисса қўшади.

АДОЛАТ РЎЁБИ

АТОҚЛИ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ, ЁЗУВЧИ Ш. Р. РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИНИ УТКАЗИШ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

Жўрабеков И. Ҳ. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири биринчи ўринбосари, комиссия раиси

Убайдуллаев Ш. О. — Ўзбекистон Республикаси Президенти аппаратининг масъул ходими, комиссия котиби

Комиссия аъзолари:

Абдиров Ч. — Қорақалпоғистон Республикаси клиник ва тажриба тиббиёт илмий-тадқиқот илмгоҳи директори, академик

Аодурахмонов П. М. — Самарқанд вилояти ҳокими

Ботиров Э. — Шароф Рашидов районидаги «Правда» давлат хўжалиги бўлим бошқарувчиси

Едгоров Д. С. — Бухоро вилояти ҳокими

Жалолов Б. — Ўзбекистон халқ рассоми

Жамол Камол — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биринчи котиби

Жуманиёзов М. — Хоразм вилояти ҳокими

Зулфия — Ўзбекистон халқ шоираси

Мамарасулов С. — Ўзбекистон Республикаси давлат сув хўжалиги қурилиши комитети раисининг биринчи ўринбосари

Муҳаммад Юсуф — шоир

Муҳаммаджонов З. — Ўзбекистон халқ артисти

Олимов У. З. — Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари

Орипов А. — Ўзбекистон халқ шоири

Пайғамов А. — Фарғона вилояти Ўзбекистон районига қарашли Ленин номидаги жамоа хўжалиги раиси

Рапиғалиев Б. — Наманган вилояти ҳокими

Расулов М. М. — Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби

Раҳимов Б. — уруш ва меҳнат фахрийси

Сайдалиев С. Д. — Тошкент вилояти ҳокими

Салоҳиддинов М. — Ўзбекистон Фанлар академияси президенти

Салимов О. У. — Тошкент давлат техника университети ректори

Турсунов Э. — Жиззах вилояти ҳокими

Умурзоқов М. Б. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси

Фозилбеков А. И. — Тошкент шаҳар ҳокими

Файзуллаев И. — Денов районига қарашли Собир Раҳимов номидаги жамоа хўжалиги раиси, Ўзбекистон халқ депутати

Шукрулло — Ўзбекистон халқ шоири

Холмирзаев Қ. — Андижон вилояти ҳокими

Яҳёев Ш. Ғ. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби

Яшин К. Н. — Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик

Қаюмов М. — Ўзбекистон кинематографчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби

Қорабоев М. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари

(«Ўзбекистон овози»)
1992 йил, 11 июнь.

МУҚАДДАС ХИЁБОН ЗИЁРАТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ислом Каримовнинг катта саъй-ҳаракатлари туфайли юрт отасининг номи ва обрўси яна халққа икки қўллаб қайтариб берилиши ўзукка кўз қўйишдек улуғ иш бўлди.

Ўзбек халқи ўзининг азиз фарзанди порлоқ хотирасини ҳурматлаб таваллуд маъракаларини ўтказар экан, унинг номини Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон сингари мутафаккирлари, давлат арбоблари, донишмандлари, адиблари қаторига фахр ва ифтиҳор билан қўймоқда.

Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан тўққиз йил муқаддам у дафн этилган қабр ўрнида — ҳозирги Шароф Рашидов кўчасидаги шу номли ҳиёбонда унинг хотирасига ўрнатилган ҳайкалнинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Маросимни Тошкент шаҳар ҳокими Адҳам Фозилбеков очиб, давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидовни Тошкент шаҳрининг гуллаб-яшнаши, халқнинг бахт-саодати йўлида қилган улкан хизматлари ҳақида ёрқин мисоллар келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков ҳайкал устидаги оқ чойшабни оҳиста туширади. Ўртада ўша ҳаммамизга ғоятда қадрдон ва азиз инсон сиймоси намоён бўлади. Санъаткорлар маҳоратли тасвирида марҳум эл отасининг ёрқин сиймоси ўзининг ўша жўшқинлиги, ўша салобати билан гўё халққа таъзим қилаётгандек табассумли нигоҳ ташлаб турибди.

Шундан кейин маросимда Тошкент шаҳар меҳнат ва уруш фахрийлари кенгашининг раиси Толиб Содиқов, Тошкент трактор ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Н. Белозеров, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби Маҳмуд Расулов, ҳайкалтарош Яков Шапиро, Ҳамза районидаги Нодира номли маҳалла қўмитасининг раиси Неъмат Ҳасанов, Шароф Рашидовнинг вафодор ва жафокаш умр йўлдоши Хурсан Рашидова, шоир Муҳаммад Юсуф сўзладилар. Нотиқлар Шароф Рашидовнинг беқиёс жўшқин меҳнат фаолияти ва у амалга оширган оламшумул ишлари, ўз она юрти — Ўзбекистоннинг номини жаҳон миқёсига олиб чиққанлиги ва ўзидан кейин миллий муносиб шогирдлар қолдирганлиги ҳақида фахрланиб гапирдилар.

Шароф Рашидовни ҳаётлигида уни кўрган, суҳбатлашган, доно сўзларидан баҳраманд бўлган минг-минглаб одамлар ана шу ҳиёбонга ўзларининг мусулмонлик бурчларини бажо айлагани келганлар. Маросим тугаши билан улуғвор мусиқа садолари янграй бошлади. Зиёрат бошланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Шавкат Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Абдулҳошим Муталов, марҳумнинг оиласи, бола-чақалари тантаналарда қатнашиш учун Тошкентга қардош мамлакатлардан келган ҳурматли меҳмонлар, марҳумнинг сафдошлари ва жуда кўп юртдошлари ҳайкал пойига гуллар қўйдилар.

Митингда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Ш. Йўлдошев, Республика Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов, Олий Кенгаш раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, Бош вазир ўринбосарлари М. Қорабоев, Э. Самандаров, К. Тўлаганов, Қ. Ҳаққулов, Б. Ҳамидов, Олий Кенгаш комитетларининг раислари иштирок этдилар.

Абдулла ПУЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИГА

ТЕЛЕГРАММА

Республикамизда қизғин тус олган атоқли адиб ва катта давлат арбоби Шароф Рашидовнинг 75 йиллик юбилейига бўлган тайёргарлик олдидан Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонаси жамоа аҳли Шароф Рашидов фондига ўз улушини қўшишга ахд қилди.

Барчамизга маълумки, Шароф отанинг Ўзбекистон халқига кўрсатган хизмати улкандир. Уларнинг назаридан Москвада яшаётган ва таълим олаётган ўзбеклар ҳам четда қолмаган. Москвадаги собиқ Иттифоқ жумҳориятлари орасидаги ягона — Ўзбекистон Фанлар академияси меҳмонхонаси, шунингдек, элчихонамиз бинолари ҳам Шароф отанинг шарофати билан қурилгандир.

Ул зотнинг хотирасини ёдлаб, элчихонамизнинг жамоа аҳли тўплаган 3,300 сўмни улуғ инсон номи билан ташкил этилган Шароф Рашидов фондига ўтказамиз.

Ҳурмат билан,
ЭЛЧИ: Ю. АБДУЛЛАЕВ.

Шароф Рашидов: САДОҚАТИМ НУРДАЙ ТОВЛАНУР...

Вазифаларим

Инсон инсон бўлиб яшаркан, даврон
Гоҳ шодлик бағишлар, гоҳ—қайғу, ҳижрон,
Кураш-жабҳаларда бел боғлаб ҳамон
Ижодингиз яшар эллар ичинда.

Эй, юрт қайғусини кўп чеккан оғам,
Юрт ҳам сизни ёдлаб чекаётир ғам,
Сизнинг ном-шонингиз мангулик мудом,
Дуодай яшагай тиллар ичинда!

Доноларга минг чақирим—бир қарич,
Нодонларга икки одим йўл—олис,
Она сути билан кирган ор-номус,
Сўнмагай ою-кун, йиллар ичинда!

Ўзбекистон учун отган тонг—бу Сиз,
Дўстга дармон, элга ширин жон—бу Сиз,
Суянчиқ тоғ—бу Сиз,
Мўл-мўл нон — бу Сиз,
Ёдингиз ўчмагай диллар ичинда!

Жон аямай, дубур қўшиб! жаҳонга,
Меҳрибон бўлдингиз ҳалол инсонга,
Шон-шуҳрат мўл келди Ўзбекистонга
Сиз юртни, бошқарган йиллар ичинда!

Халқим дея туғилади азамат,
Халқим дея бўғилади валломат,
Бугун халқ айлайди Сизни зиёрат,
Етибсиз чулғаниб нурлар ичинда!

Жўлмирза ОЙМИРЗАЕВ,
Қорақалпоғистон халқ шоири.

1. Дубур қўшмоқ —юрт номини ёймоқ, от чоптириб ўзмоқ.

Моҳингиз мангудир

Ёдингиз бир сабаб бўлди-ю такрор,
Марсия битказди тирик руҳингиз.
Умид қуёшингиз кўрсатиб виқор,
Мангуга ботмаган кўкда моҳингиз.

Бузган бўлсам агар боқий уйқунгиз,
Фарзандлик ҳурмати кечиринг, устоз!
Йўқ, йўқ, ўлмагансиз! Уйғоқ туйғунгиз,
Умрингиз мазмуни—яшашга асос!

Бўрондан кучлидир қудратли тўлқин,
Дил амрин қадрлар ғолиблар мудом!
Аланга олади ҳамиша учун,
Ишқли қалб билади нелигин илҳом!

Қуёшли ўлкам деб, ўпиб знёни,
Бошингиз қўйгансиз ерга сўнгги дам.
Кўзингизни очинг, кўринг дунёни,
Бозорга айланмиш сиз билган олам.

Ечолмай қоламан жумбоқ—битганми,
Сиздан катта эди Ўзбек умиди!
Отажон, Сиздан ҳам ё сал ўтганми?
Ва, ё замонанинг зайли шумиди?!

Бироқ чангал солиб ўй, куйимизга,
Бу ҳаёт бизларга бериб келди панд.
Ҳақиқат иймондай ўз уйимизга, —
Чироқ ёққанидан аямиз Хурсан!

Умр — карвон йўли, карвон зангини
Биров эшитади, тингламас биров.
Ҳаёт — кураш эрур, ҳаёт жангини
Нелигин мард билар, англармиди ёв!

Узун рўйхатлардан пок номингизни,
Қора қалам олиб, ўчирган ҳам биз.
Тинчингизни бузиб, арвоҳингизни
Қабрдан қабрга кўчирган ҳам биз.

Жонингиз илк марта кўмилган жойни,
Зиёрат айлашар ҳамон юраклар.
Лола, атиргуллар — қалбингиз қони,
Меҳрингиздан унган алвон чечаклар.

Аммо, алам қилар, кечаги каслар
Қабрингизга қўйса бугун гулчамбар...
Яхшиларни дунё хотирлар, эслар,
Яхшиларнинг ёди ўчмас муқаррар!

Ёмонлар косаси оқармас асло,
Сиздан мурод қолди, асрлар қолди!
Ётдан нима қолди, билмадим аммо,
Сиздан мерос қолди, қасрлар қолди!

Ҳақиқат, оқибат, нур чироғи — сиз,
Тилло узук қолди, ёқут кўз қолди.
Яхшилик китобин зар варағи — Сиз,
Сиздан Илҳом қолди, ширин сўз қолди.

Манзил қисқа экан, тўхтади карвон,
Ризқи-насибангиз пайкалда қолди.
Бевафо дунё-да, ҳамма ҳам меҳмон,
Умрингиз армондай ҳайкалда қолди!

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ.

Отажоним!

(УСТОЗ ШАРОФ РАШИДОВНИНГ ВАФОТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН).

Жаннатмакон Шароф Рашидович билан икки марта суҳбатлашганман. Бир гал юзма-юз... иккинчи гал телефонда.

...1976 йил, Москвада Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунлари ўтаётган эди. Унда мен Москвада ўқирдим. Колонний залда, кечки йиғин олдидан мени чақиртириб қолишди. Борсам, Шароф Рашидович Москвадаги «Советский писатель» нашриётининг директори билан тик ҳолда суҳбатлашишяпти.

— Келинг, қизим, — дедилар Шароф ака мени кўришлари билан. — Аҳволингиз қандай, нималар устида ишлаяпсиз? Ўқишда қийинчилик йўқми?

— Ўқиш-ку, жойида-я, — менинг ўрнимга жавоб берганди нашриёт директори, — фақат китоб тайёрлаш орқага сурилябти. Бу қизингиз ҳалигача нашриёт планидаги китобининг подстрочникларини тайёрлаб бергани йўқ...

— Наҳотки, — дегандилар ўшанда кулимсираб Шароф ака, кейин қўшимча қилгандилар. — Биласизми, агар жиддий ишлай олсангиз Сизнинг ёшингизда ҳар бир кун қанчалар унумли бўлишини биласизми...

Кейин гап менинг Москвада чиқиши керак бўлган китобим устида кетди. Мен ўшанда Шароф Рашидович одамларнинг, айниқса, ижодкорларнинг тақдирига, ижодига бефарқ қарамасликлари, чуқур ғамхўрлик кўрсатишларининг гувоҳи бўлган эдим.

Иккинчиси 81-йилда Тошкентда, «Ёш гвардия» нашриётида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаб юрган вақтларим эди. Нашриётнинг олдинги директори, одамохун, раҳматли Абдулазиз Ваҳобов ўзлари коридорга шошиб чиқиб, мени йўқлаб қолдилар. «Ҳалимани... Шароф Рашидович сўраяптилар!». Бориб трубкани олдим.

— Ҳалимахон, қизим... Сиз ёш бўлишингизга қарамай, ўз ижодингиз билан бизнинг авлоднинг, фарзандларимизнинг онгига, тарбиясига ўзингизнинг сезиларли таъсирингизни ўтказдингиз...

Раҳматли Шароф Рашидович шундай гап бошлагандилар...

Ҳали-ҳануз ўша овоз, салобатли, сеҳрли овоз қулоқларим тагида янграб туради.

Ҳаммамиз хом сут эмган банда, яхши гапнинг гадойимиз. Эҳтимол, Шароф Рашидовичдай улуғ одам менинг ижодим ҳақида бағри кенглик билан кўтариброқ, муболаға қилиб гапиргандирлар.

Бироқ бу гаплардан менинг бир қадар кўнглим ўсгани, бир қадар ижодкор сифатида ўзимга ишончим ортганини яширмайман.

Адашмасам Ларошфукода бўлса керак, бир фикр бор. «Мақтовга саҳий бўл, —дейди у, — ҳар қандай одамдаги арзимас яхши хислатларни топиб эътироф эт, мақтаб, тан ол. Бу билан Сен ўша одамнинг руҳиятидаги қали яширин катта яхшиликлар, эзгуликларга йўл очасан. Бундай арзимас хислатларни эса, сен ҳар қандай энг кичик, энг ожиз одамда топишинг мумкин». Шароф Рашидович ўшанда биз тенги, эндигина адабиётга кириб келган одамлар билан муносабатда балки шу хил нуқтаи-назарлардан келиб чиққандирлар.

Баъзан тўрт одамнинг бошини қовуштириш ғоятда қийин бўлган ҳолда 25 йил бу катта элни бошқариш. Мен ул кишини худонинг назари тушган одам эди деб ўйлайман. Шароф ака бу қадим Туркистоннинг қатор қулатилган ва бугун қайтадан қад тиклаётган улкан чинор фарзандлари орасида ўзининг бўй-басти, салобати билан алоҳида ажралиб туради ва жуда узоқ йиллар бизнинг авлод-аждодимизга у кишининг шафоати уриб туради деб ишонаман.

Алвидо, отажоним, демоққа тилим бормас,
Марҳум, деб ғаимингизни емоққа дилим бормас,
Ераб, бу Видо шеърин ёзмоққа қўлим бормас,
Ногаҳонда мард юрак панд бердими, Отажон,
Сиздан халқнинг умиди шул эрдими, Отажон.

Юракларга қулаган энг юксак тоғ дейинми,
Авжи етилганида дўл урган боғ дейинми,
Нима дейин сўзданам адаштириб кетдингиз,
Бир шогирддай кўксимда ҳеч ўчмас доғ дейинми,
Ҳамма даврада-ку, Сиз барвақт туриб кетдингиз.

Тошкентнинг ҳар уйининг асосин Сиз қўйгансиз,
Ўз рўзғорингиз каби бул шаҳарни суйгансиз.
Ўзбекистон деганни жонингизда туйгансиз,
Бирдан бу хабар, ҳар уй зир титраса нетармиз
Ҳар бир ғишт тилга кириб «қани» деса нетармиз.

Сор бургут энг баландда урилгандай қояга,
Қандоқ гўзал ўлим бу, ҳожат йўқ ҳимояга.
Тириклик ҳам, ўлим ҳам тикилган бир ғояга
Яшамоқ ва ўлмоқни бу хил уддалаш бирдай
Менга туюлар гўзал, ҳеч ечими йўқ сирдай.

Бул кун Олтинсой ёқдан шаббода эсар сим-сим,
«Ғолиблар»ингиз кўнгли видо жомидир, лим-лим.
Олимжонлар тураркан бош кўтаролмай жим-жим,
Тугатолмай қолдирган китобингиз қуймасми,
Мотамингиз эккан эл қаро-қаро киймасми?

Бу кунларам ўтар-у ўтар жафога қийин,
Азал-абад жоннисор содиқ вафога қийин.
Сизга эллик йиллик дўст — Хурсан опага қийин,
Тобут узра кўксини ушлаб ҳар жон тўкилди,
Алп фарзанддан айрилган — Ўзбекистон тўкилди.

Баъзан битта одамнинг кўнглини топмоқ мушкул,
Чорак аср бутун бир халқ кўнглига топиб йўл.
Қон-қардош, хорижийга жигарим деб, тутиб қўл,
Яшадингиз, келсалар хотирангизни «Сиз»лаб,
Анжуманлар тўридан қолмасми Сизни излаб.

Мен қандоғам йиғламай, тоғу-тошлар йиғласа,
Дийдаларни куйдирган аччиқ ёшлар йиғласа,
Бир умр эгилмаган эгик бошлар йиғласа,
Юрт юртбошини йўқлар, қандоқ қаро кундир бу,
Сарбонини йўқотган карвон-забундир бу.

Қисматингиз шу бўлди. Жойингиз бўлди олд саф,
Шундоқ яшаб ўтдингиз, Сиз не келса бўлиб даф.
Бу — шундай улуғ қонун, бу шундайин — оддий гап,
Гарчанд, бутун эл бугун мотамингиз чекмоқда,
Ўрнингизга Отатурк ўғлонлари чиқмоқда.

Кўз юмдим, ўтаверар оломон қатор-қатор,
Олдда маҳзун аёллар, суянишган, бемадор.
Халқим, бу хил ўлимни Сен қачон кўрганинг бор?
Халқим-ей, бу ўғилни қандоқ бердинг тупроққа,
Умидинг борми тағин шундоқ ўғил топмоққа?

«Бор, бор» дейман ўрнингиз бўшмаслигини кўриб,
Бир эл боласи йироқ тушмаслигини кўриб,
Олдинга чиққанларнинг фикр тиғини кўриб,
Аминмен, бу юрт тағин ўз ҳумо қушин топгай,
Халқ тағин қад кўтаргай, тағин омади чопгай!

Бугун эса... бу ўлим сиғмас ҳеч бир таъбирга,
Бугун кўмирдай куйиб, йўл оларкан қабрга,
Тоқатга тоқат тилаб, сабр тилаб сабрга,
Халқим, қайтмас бир Даҳо ўғлинг учун куяман—
«Алвидо», деб бу шеърга қандоқ нуқта қўяман!
«Алвидо, отажоним!» демоққа тилим бормас...

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА.
6. XI. 83.

Ўҳ, ботирим, қайдасан?

1987 йил. Ўзбекистоннинг боши узра қора булутлар кўланкаси қуюқлашган, Москвадан келган «десантчи» раҳбарлар республикани батамом ўз исканжаларига олган бир пайт. Ўзбеку Ўзбекистоннинг буюк қалқони Шароф Рашидов номи булғаниб, унинг қабрию руҳини ҳақорат қилиш пойгаси давом этаётган ва «пойга» ғолиблари Бош муртаддан қандайдир мурувват кутиб турган вақтлар. Ҳамма нарса: матбуоту радио, ижодий уюшмалару тўю мотамлар қаттиқ назорат остига олинган, миллатимизни ҳам руҳан, ҳам жисмоний буткул синдиришга аҳд қилган ёвуз кучлар жазава билан иш кўраётган кунларнинг бирида... бир шеър пайдо бўлди. Узоқ карахтлик ва руҳий зарбалардан ўзини йўқотаёзган кимса борки, ҳаяжону ҳайратдан бир қалқиб тушди. Чунки, шеър умидсизлик қаърига улоқтирилган, маънавият пойдеворлари вайрон қилинган, баъзан аллалаб, гоҳо қўрқитилиб, уйқуга кетказилаётган бутун бир авлодни бедорлигу бирликка, жасорату шижоатга аччиқ алам билан даъват этарди. Бу шеърнинг муаллифи шоир Азим Суюн, шеър эса, «Гулистон» журналида чоп этилган эди.

Мазкур шеърни, бугунги ёруғ кунларимизда сиз, азиз муштарийлар ҳукмига ҳавола этишни лозим топдик. Бу энг оғир дамларда ҳам ҳақ сўз шоир юрагию дилидан айтилишига бир гувоҳдирким, «Ботир изидан, шоир сўзидан» ҳеч қачон қайтмасин.

Бузилган элни ботир тузатар.

(Халқ айтими).

Тупроғимни ёв олган йўқ,
Юртимга қирон солган йўқ.
«Ўзим-ўзим» дейди ўзбек,
Элни бузган худди шу ўқ.
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Шафақ бағри алвон-алвон,
Тўралардан ватан вайрон.
Ғажирдай ғажир бир-бирин,
Тумшуғи қон, тирноғи қон.
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Ўзбекнинг ўти бор, дерлар,
Ва лекин «чўп»и бор, дерлар.
Ҳайҳот, бундай халқ кўрмадим,
Бир-бирин кавлашиб ерлар.
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Бири чиқса баланд тоққа,
Бири тушар қулатмоққа.
Ўлимлигин бўзи учун
Ярамас ҳатто арқоққа!
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Қуруқ ёғоч ёнишин кўр,
Тараф-тараф ҳамнишин, кўр,
Ўзбек ўзбекнинг ортидан
Биқиб қилич солишин кўр.
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Эрлигини унутган эл—
Эрклигини унутган эл.
Ёвин танглайин кўтариб,
Бирлигини унутган эл.
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Тоғларимнинг бўй-басти тик,
Қояларда ўйнар кийик,
Ҳатто жондор қадрин билар,
Ўзбек қадрин қадди эгик.
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Ўзбек, қачон эл бўласан,
Тўлиб-тошган сел бўласан?
Шу кетишда кетсанг агар,
Бир кун қора ер бўласан!
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

Гап танобини тортайин,
Дардимни кимга айтайин?!
Ўз элимни қарғамасдим,
Тузалмаса, ҳей, қайтайин?!
Ўҳ, ботирим, қайдасан?

1987 йил, март.

Азим СУЮН.

Ягдо

Она юрт меҳридан ҳар сўзим қурчли,
Дониш табиатин айладим талқин.
Англадим—халқ қаҳри «Бўрондан кучли»,
Куйладим — халқ меҳри «Қудратли тўлқин».

Зулм ниқоб кийса, меҳру оқибат
Тугал талафотдан ёлғиз ҳимоя.
Қарши боролмадим гарчи оқимга,
«Кашмир қўшиғи»да дардим ҳикоя.

Элимга қолдирдим қалбим мулкини,—
Нима демасинлар танг муҳолифлар,—
Замон ўқийверар «Тарих ҳукми»ни,
Ҳаёт китобидан ўчмас «Ғолиблар!»

Саъдулла ҲАКИМ.

Шароф РАШИДОВ: Саодатим нурдай товланур, Бизга боққан завқ ила Ватан. Унга менинг муҳаббатим зўр, Фидо бўлсин унга жону тан.

Шароф Рашидов адиблар даврасида.

С. МАҲКАМОВ олган сурат.

Шароф РАШИДОВ:

● Адабиёт ва санъат ходимларининг ижодий активлигини бундан кейин ҳам ошира борип, ижодкор зиёлилар республикамиз ва мамлакатимиз меҳнаткашлари қандай яшаб, қандай ишларни амалга ошираётганликларига бевосита алоқадор эканликларини, бу ишларнинг муваффақиятидан ҳам шахсан манфаатдор, ҳам шахсан жавобгар эканликларини ҳамиша ҳис этиб туришларига эришиш лозим.

Нотинч руҳ

Бу шундай бевафо дунё, бу ҳаёт,
Тунда туғишганинг—тонгда етти ёт,
Балки, тақдир шудир, балки, шу қисмат,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот!...

Борингизда бизга бўлдингиз ота.
Йўғингизда йўқдан қидирдик хато,
Беайб парвардигор дейдилар ҳатто,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.

Ҳали тупроғингиз совумай туриб,
Руҳингиз йиғлатдик қабрингиз суриб.
Чиғатой томонга кетдингиз юриб,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.

Қабр учун қалбдан жой топганлар бошқа,
Қул бўлиб қўлингиз ўпганлар бошқа,
Ўлгач устингиздан тепганлар бошқа,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.

Сизни алқаганлар бир халқ, бир денгиз,
Сизни қарғаганлар—жўраларингиз,
Сизни адо қилди тўраларингиз,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.

Сизни золим десак, ранжир адолат,
Фариштa десак ҳам, кўнгил ҳижолат,
Одамсиз, омадли, гоҳи беомад,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.

Ким бўлманг, Сиздан шу юрт бизга мерос,
Йўқчилик-тўқчилик, не бўлса рўй-рост,
Энди тупроқ сизни айласин эъзоз,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.

Шоҳларга ҳамиша ҳушомад зомин,
Кўзин ёғин ялаб, сотарлар номин,
Шеърим ҳам тугади, ўзбекча омин,
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот!

Муҳаммад ЮСУФ.

Ҳазрати инсон

Совуқ изиллатиб турганда чунон,
Шам каби қотганда сурмаранг мужгон,
Ҳатто сўз деёлмай қолганда забон,
Қаршимда бўй тараб тургандек райҳон,
Хўп ажиб аломат Сиз туғилган он,
Ҳазрати инсон, Ҳазрати инсон.

Қуруқ ёз чилласи саҳрода ҳайрон,
Йўл юриб изласам гар оби-равон,
Қақраган лабимдан томганида қон,
Рўбарў келгандек бир жаннатмакон,
Хўп ажиб каромат Сиз туғилган он,
Ҳазрати инсон, Ҳазрати инсон.

Гоҳида дилгинам бўлганда вайрон,
Ҳақ-ноҳақ ичинда ёнганида жон,
Бакор келмаганда зўр дору дармон,
Қилга жо бўлганда бу икки жаҳон,
Энг олий саодат Сиз туғилган он,
Ҳазрати инсон, Ҳазрати инсон.

Таъзим

Жиззах диёрида келдим дунёга,
Тупроғини қиёс этдим знёга,
Ўзбекнинг шаънини кўтариб кўкка,
Шуҳратин таратдим кенг Осиёга.

Тонгдан то шомгача сен дедим, элим,
Сен десам қайнашар эди кўп белим,
Бориммас, ҳаттоки жонимни бердим,
Узун бўлганида меҳрингдан тилим.

Тоғда олтинларинг, қирда қўйларинг,
Серфайз ўтсин дея сенинг тўйларинг,
Авжи баланд бўлсин дея куйларинг,
Бу бошимни не савдога қўймадим.

Сенинг мағрур номинг таниди жаҳон,
Қанча ҳоқонларга бўлдинг сен мезбон.
Африка, Ҳиндистон, Эрону Афғон,
Қолмади бирор юрт бўлмаган меҳмон.

Тошканди азизим менга кўп қутлуғ,
Санъат саройинда салобат улуғ,
Унда мунозара, баҳс, байрам бўлур,
Шунда метро одам билан лиқ тўлур.

Ҳар бир бекатида тўхтайман бир-бир,
Меъмор санъатида олам-олам сир,
Навоий, Беруний, Ҳамид Олимжон
Номлари мен учун ғоят қадрдон.

Пахтакор, деганда орзиқар дилим,
Пахта сўзи гўё танимга ҳалим,
Пахта тергим келар сен билан, элим,
Пахта терган қўлинг толмасин, синглим.

Асрлик хаёллар чин бўлди букун,
Ўзбекнинг тўкилган кўнглида устун,
Тиконли кўксидан ариди тутун,
Энди ёнган нонни ейди у бутун.

Номингдан ўргилай, азамат халқим,
Метин иродангдан лол қолди ақлим,
Пилланг, тилланг, толанг ўзингга бўлсин,
Ўз ўғли Шарофни ёқлашга ҳақлим.

НИЛУФАР.

• *Бир сурат тарихи*

● Шароф Рашидов саф дошлари билан...

Гўзал Тошкентимизнинг метросига кирганимда, Халқлар дўстлиги санъат саройини кўрганимда, эски шаҳардаги улкан гумбазли бозорга борганимда Шароф ака билан 3—4 марта табиат оғушида учрашишга муяссар бўлганим хотирамга келади...

ШАРОФ РАШИДОВ—ОВЧИ ХОТИРАСИДА

ОВНИНГ ГЎШТИ ЭМАС, ГАШТИ КЕРАК

ОҲАНГАРОН йўлида эллигинчи йилларда қурилган овчилар меҳмонхонаси бор: қамиш ва жийда аралаш тўқайзор билан қопланган сойнинг баланд қирғоғида жойлашган бу манзилнинг номи «Акча овчилик хўжалиги». Дастлаб у марказдан келган «олий мартабали» зотлар учун хизмат қилиб келди. Кейинчалик Туркистон ҳарбий округи ихтиёридан овчилар жамиятига берилган эди. Ҳарбий овчилар жамиятининг ҳаракати билан бу хўжалик қўриқхонага айланиб, тустовуқлар сони 12—15 мингтагача етди. Овчиларга махсус рухсатнома орқали 3 та ўқ берилиб овда иккита хўрозни отиб олишга рухсат этиларди. Тустовуқдан ташқари қуёнлар ҳам кўпайган эди. Баҳор фаслида ва кузда анча ўрдак ва чурраклар ҳам шолипояларга овқатланишга қўнишарди. 1982 йил апрель ойининг шанба кунларидан бирида округ қўмондони Федюнинский таклифи билан Шароф ака машақ овига келган эди. Машақ деганн бир лойхўрак чумчуқ. Оғирлиги бор —йўғи 70—100 граммдан ошмайди. Уни отиш учун энг майда сочма — «Векасинник» ишлатилади. Аммо Оврўпа давлатлари подшоларининг энг қизиқадиган ов паррандаси, чунки гўшти лаззатли, меҳмонлар ликобчасига иккитадан қовурилгани солинса иккита котлетканинг ўрнини босади.

Шу вақтларда мен округ ҳарбий овчилар уюшмасида оммавий— ташкилий ишлар бўйича катта инструктор бўлиб ишлардим.

Шароф ака ўғли Илҳом билан саҳарда овчилик хўжалигимизга келди. Бирга қўмондон Федюнинский ва бошқа ҳамроҳлар ҳам келишди. Биринчи бўлиб уларга узун қўнжли резинка этик билан иссиқ фланель пайтава «ҳадя» этдик. Машақ ови баҳорги кўлмак бўлиб қолган жойларда, сув босган майса ўтлар орасида бўлади, одатда ҳамиша сувни шалоплатиб юриб, уни учирамиз ва фақат учаётгани отилади.

Оҳангарон сойини кечиб ўтиб, овимизни бошлаб юбордик. Эндигина майса ўтлар билан қопланган очиқликка чиқишимиз билан кўлмакдан иккита машақ «маъраб» кўтарилди. Мен дарров қўшотаримнинг иккала ўқини узиб, отиб туширдим. Уларни топиб ов халтамга солаётганимда Илҳом ёнбошимдан кўтарилган машақни бир ўқ билан туширди. Энди 13 ёшга кирган бола биринчи марта овга чиқиб бехато отганига қойил қолдим.

Сийрак қамишзор орасидан ўтаётганимизда олдимдан битта макиён тустовуқ ҳавога кўтарилди.

Уни мўлжалга олдиму отмадим.

— Отмадингиз-ку? — деди Шароф ака.

— Макиённи отиб бўлмайди. Биз фақат кузда хўрозини отишга рухсат берамиз, — дедим.

Шароф ака қўлидаги қўшотарни кўрсатиб, бир зум ниманидир эслаб;

— Мана бу қўшотарни менга Чехословакия президенти Антонин Запотоцкий ҳадя қилган эди, — деди. Яна овимизни давом эттирдик. Илҳом яна битта машақни отди. Шароф ака шундай яқинидан учиб чиққанлари бўлса ҳам бирон марта ҳам машаққа ўқ узмади.

ЎРДАК ОВИДА

СИРДАРЕНИНГ ярим орол ва кўлларга бой Далварзин овчилар хўжалигига 1962 йилнинг кузларида ўрдак овига Шароф ака Н. С. Хрушчев билан келишди. Округ қўмондони Федюнинский ва Министрлар Советининг раиси Қурбоновлар ҳам келишганди. Баланд адир панасида жойлашган «қинғир кўлимиз» ҳамиша азиз меҳмонларга мўлжалланган эди. Бу кўлда 5—6 та гиза (пистирма) ўрнатилган эди: сувга қоқилган тўртта устун устига тахталар қўйилиб, атрофи қамишлар билан беркитилган гиза овчига чайла сифатида хизмат қилади.

Кундузи дам олган ўрдаклар қоронғи тушиши билан майда кўлмаклардан овқатланиш учун далалардаги шолипояларга учиб кетиб, яна саҳарги ғира-ширада қайтишади. Ана шунинг учун ҳам ўрдак ови фақат ё кечқурун ва ё саҳарда унумли бўлади. Меҳмонларимизни қайиқда олиб бориб гизаларга жойлаштириб, бошқа кўллардаги ўрдакларни безовта қилиб «қинғир кўл»га учиб келишларига мажбур қилардик. Соат ўнларда ўрдак учиши тамом бўлди. Егерларимиз қайиқлари билан бориб меҳмонларимиз отган ўлжаларини сувдан териб олиб, меҳмонларимизни овчилар уйига нонуштага олиб келишди. Шунда Н. С Хрушчев 29 та, Қурбонов 47 та, Федюнинский 17 та ўрдак отишгани маълум бўлди. Шароф ака бор-йўғи иккита ўрдак билан кифояланибди. Эҳтимол Шароф ака тоғлар орасидан энди кўтарила бошлаган қуёшнинг гўзаллигидан, қамишларнинг сирли шитирлашидан, кўл сувининг товланишидан илҳомланиб, бирон асарида шу манзарани ифодалашни ўйлаганидан ўрдаклар билан унча иши бўлмагандир.

— Шароф ака нега отмадингиз? — деганимда:

— Отиб олиш шартми? Менга гўшти эмас, гашти кифоя, — деб жавоб бергани ҳали ҳам хотирамда.

Ғафур ЖУРАЕВ.

«ЭЛ ОТАСИ ЭДИ»

Таниқли журналист Исмоил Сўлаймоновнинг «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган янги китоби шундай деб аталади. Мазкур битик атоқли давлат арбоби ва адиб Шароф Рашидовнинг 75 йиллиги юбилейига муносиб совға бўлиб, ўзбек халқининг ҳақиқий фарзанди ҳақида яратилаётган «Шарофнома» туркумига бамисоли садафдаги дур каби қўшилди.

Исмоил Сулаймонов таниқли давлат арбоби ҳақидаги хотираларини бировлардан эшитган ҳангомалар асосида эмас, балки ўзи гувоҳ бўлган, шахсан иштирок этган таъсирли лаҳзалар асосида битади. Унда Шароф Рашидовнинг нафақат раҳбар сифатидаги сиймоси, айни пайтда самимий инсон, дилкаш дўст сифатидаги фазилатлари ҳаётий мисоллар орқали баён этилган. Китобга Ш. Рашидовнинг халқаро ҳаракат арбоблари, XX асрнинг таниқли кишилари билан тушган суратлари ҳам киритилганки, бу ўқувчи таассуротини анча бойитади.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

ҚУРИЛИШ-ТИЖОРАТ БАНКИ

Бу:

— Сизнинг омонатларингиз ишончли сақланишининг кафолатидир;

— бошқа банкларга нисбатан бир ярим-икки баравар ортиқ даромад фоизларидир;

Қурилиш-тижорат банкида:

— Оддий омонатларга 25 фоиз;

— камида бир йил муддатга қўйилган омонатларга 28 фоиз;

— камида икки йил муддатга қўйилган омонатларга 30 фоиз;

— камида уч йил муддатга қўйилган омонатларга 32 фоиз;

— уч йилдан ошиқ муддатга қўйилган омонатларга 35 фоиз миқдорида даромад тўланади.

Қурилиш-тижорат банки:

— Мулкий шаклдан қатъи назар қуриб тугалланмаган қурилишни маблағ билан таъминлайди ва бунга қарз беради;

— ўз омонатчилари ва мижозларига ҳуқуқий ҳамда иқтисодий масалалар юзасидан маслаҳатлар беради;

— бу малакали банкирлар томонидан хизмат кўрсатишнинг юксак маданиятидир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси 6-уй, (5-қават) Телефонлар: 44-01-12, 44-01-45, 44-00-43, Метронинг «Пахтакор» бекатигача борилади. Трамвайлар: 7, 8, 15, троллейбуслар: 2, 6, 7, 14, 18, 20.

УСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ АСПИРАНТУРАНИНГ КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРИГА 1993 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

«Энтомология», «Ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш» мутахассисликлари бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ҳужжатлар 1 декабрдан 30 декабрга қадар қуйидаги манзилгоҳда қабул қилинади: Тошкент—140, Ўзбекистон Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий текшириш институти.

АГАР КЎЗИНГИЗ ОҒРИЕТГАН БЎЛСА, унда Сиз республика ҳудудидан ташқарига чиқмай жаҳонга машҳур офтальмолог Фёдоровнинг юқори малакали мутахассисларига учраб консультация олиш, зарурат бўлган чоғда эса унинг клиникасида даволанишнинг нодир имкониятига эгасиз.

Алоқа учун телефон: 78-75-58.

УРТА ОСИЕДА ЯГОНА НИГОҲИЙ ТАБИБ

Абдуғаффор АБДУЛЛАЕВ



9 ноябрдан 25 ноябрга қадар Андижон вилоятининг Марҳамат районидаги Оффоқхўжа мачити биносида соат 9.00 дан 15.00 га қадар ДАВОЛАШ СЕАНСИНИ ОЛИБ БОРАДИ.

Бош оғриғи, оёқ ва қўл, жигар ва буйрак, шунингдек, қон босими паст ва баланд юрғанлар, нафас сиқиш, юрак ўйнаши ва юрак оғриғи бор беморлар биринчи сеансдаёқ фойдали таъсир оладилар.

Манзилгоҳимиз: Андижон вилояти, Марҳамат шаҳар, Ипак йўли кўчаси, Оффоқхўжа мачити. Манзилгоҳга Қўқон— Уш, Фарғона—Уш, Марғилон — Уш, Асака—Марҳамат, Андижон—Марҳамат автобуслари орқали борилади.

Урта Чирчиқ районидаги А. Икромов номли совхозда умумий майдони 11 сотих бўлган икки қаватли дала ҳовли СОТИЛАДИ

Тел: 22-46-95, соат 18.00 дан кейин.

КаМАЗ (юрмайдигани ҳам бўлаверади).

СОТИБ ОЛАМАН

Телефон: 91-09-49, 91-11-47.

«Матонат» ширкати моддий базаси ва имконияти бўлмаганлиги муносабати билан ёпилди.

* * *

«Самира» кичик корхонаси моддий базаси ва имконияти бўлмаганлиги сабабли ёпилганлигини маълум қилади.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Қоракўл районидаги К. Маркс номли жамоа хўжалиги Пенза тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйганига бир йилдан ошди. Пензаликларнинг ёрдами билан хўжаликда тикувчилик цехи очилди. Унда 40 дан зиёд хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Цехда аёллар коржомаси ишлаб чиқарилаяпти,

Қоракўлликлар ўз навбатида росснялик шерикларини хом ашё билан таъмин этишяпти.

Нусратилла НАИМОВ.

●

АШУРХОН ҚУДУҒИ ҚУРИБ ҚОЛМАДИ

Бандихон даштида Ашурхон қудуғи деган жой бор. Тордан, йўлдан, сувдан йироқ жой. Ашурхон деганлари асримизнинг бошларида яшаб ўтган одам. Кўнгли очиқ, қўли очиқ чорвадор бой бўлган. Геология китобини ўқимаган бўлса ҳам қаердан ва қанча чуқурликдан сув чиқишини чамалаб айтиб бера оладиган назарқарда одам бўлган. Бир сабаб билан бой бошқа жойга кўчиб кетган. У қазиган қудуқлардан одамлар ўн йиллар давомида наф кўрганлар. У яшаган жойдан Ашурхон қудуғи деган ном қолган. Ўша жойда «Тошкент» деб аталадиган бинойидек хўжалик фаолият юритади. Бироқ ичимлик суви узоқдан ташиб келтирилар эди.

— Бу мушкулотни енгдик, — дейди хўжалик директори Ғ. Холиқов. — Хўжанпок магистралидан 18 километрлик қувур тортдик. Демак одамларимиз энди Хўжанпок отанинг шифобахш сувидан ичишади. 6 километрлик йўлни асфальтладик. Узоқ қишлоқлардаги бошланғич мактаблар учун иккита бино қурилди. Хуллас, Ашурхон қудуғи қуримайдиган бўлди.

О. УСАНОВ,
«Бандихон» райони, Сурхондарё.

• *Қишга тайёрмисиз?*

ТАЪМИРЧИГА ТАДБИР ҚЎЛ КЕЛДИ

Довуччани эсласангиз, оғзингиздан сўлак оқиши табиий. Қишни эсласангиз-чи? Албатта бир бора бўлса-да, этингиз жунжикиб, баданингиз жимирлагандек бўлади. Шунда беихтиёр иссиққина уйингиз ва ошхонангиз ёдингизга тушади. Бироқ, уларнинг иситиш тармоқлари соз-носозлиги ўша дам эсга тушармикан?!

Дарвоқе, Сирдарё районидаги хўжаликлараро агрокоммунал қурилиш ва таъмирлаш корхонаси ҳам жайдари тил билан айтганда «Қиш ғамини ёзда ейдиган» корхоналар сирасига киради. Чунки унинг асосий вазифаси — меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатиш, аҳолининг яшаш ва ишлаш жойларида қулай шарт-шароитлар яратишдан иборат. Шунингдек, ободонлаштириш ишларини бажариш ҳам корхонанинг зиммасига юкланган.

Бу ерда 250 киши меҳнат қилади. Барчасининг қўли гул. Бири эшик-ром тузатса, иккинчиси — ёғочни қайта ишлашга уста. Йўл қуриш, сув қувурлари тармоғидаги шикастни тузатиш, мактаб, шийпон ва ташкилотлар биноларини таъмирлашни ҳам шулар уддалашади.

Бозор иқтисодиёти уларни ҳам бироз «қийнаб» қўйди. Турли ускуналар, хом ашё, ёқилғи ва қурилиш материалларига муҳтож бўлиб қолишди. Уларни топишда учраётган тўсиғу мушкулликлардан қийналавергач, икки-уч нуфузли идорага ҳам бош уриб кўришди. Жавоб эса ҳамон бир хил: «Йўқ! Йўқ! Қачон бўлиши номаълум».

Демак, ўзингда йўқ-оламда йўқ экан-да, деган фикрга келишди улар. Имконни ўзларидан қидиришди. Эскини ямаб, янгисини авайлаб ишлатишни дастурга айлантириб олдилар. Ёзда тинч ўтирсак, қишда бетиним бўлиб қолмайлик, деб меҳнат қилишди. 14 та мактаб биноси, 8 та чорвачилик комплекси, 6 та болалар муассасаси, 3 та дала шийпони, 2 та иситиш қозонхонаси ва 22 та турли хил халқ хўжалик биноларини таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 15 минг 340 квадрат метр йўл, 4,1 километр узунликдаги сув қувурлари тармоғи қайта таъмирлаб берилди.

Қишга ҳозирлик фақатгина иситиш тармоқларининг бекаму-кўст ишлашига боғлиқ эмас. Қолаверса, бинонинг эшик-деразалари ҳам бут бўлиши керак. Корхонанинг шу мақсадга йўналтирилган эшик, дераза тайёрлаш, блоклаш, ёғочни қайта ишлаш цехлари ишчилари ҳам ибратли меҳнат қилишмоқда. Улар 608 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришди. Биргина шу цех томонидан аҳолига 375 минг 900 сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. Бу, режадаги кўрсаткичдан бирмунча ортиқ.

Бугунги кунда корхона жамоаси районнинг «Коммунизм», Ленин номли жамоа ва Сирдарё давлат хўжаликларидаги турли хил иншоотларни таъмирлаш ва қишга ҳозирлаш билан машғул. Бу юмушларни амалга оширишда Исабек Эрматов, Мамасоли Мустафоев, Раим Эсонов, бригада етакчилари Ҳотам Турдиев, Мавлуд Саттаев, ҳайдовчилардан Абдужаббор Холиқов, Абдуғани Рашидовлар бошқаларга ибрат бўлишмоқда.

Корхона директори Йўлдош Раҳматов ҳозирги пайтда ишдан кўра, ишчиларни кўпроқ ўйлайди. Яқинда корхона имкониятини чамалаб чиқди. Маошни оширди. Ишчиларники — 11, хизматчиларники эса 9 баробар ошди. Бунга эса ҳеч таажжубланмаса бўлади. Чунки, яқинда корхонада ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Ундан корхона наф кўриб турибди.

Қолаверса, корхона йиллиқ режани ҳозирданоқ 200 фоиздан ошириб юборди. Умумий ишлар кўлами 2,5 миллион сўмни ташкил этди. Таъмирлаш ишлари режаси 247 фоиз адо этилди. Ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги асосан мана шулар эвазига ортди. Корхона томонидан жамоа шартномаси асосида қурилиш материалларининг арзон баҳода сотилиши ишчи-хизматчилар учун яна бир имтиёз бўлди. Негаки, «ҳолва» деган билан оғиз чучимайди.

Иқтисодий танглик шароитида мавжуд вазият билан ҳисоблашмаслик, ишчи ва хизматчиларнинг талаб-эҳтиёжларини инобатга олиб иш юритмаслик яхши натижаларга олиб келмаслиги маълум. Шу боис, улар борини баҳам кўриб, йўғига қаноат қилиб туришибди. Фақат унумли меҳнат, яратувчилик ва имкониятлардан оқилона фойдаланишгина мушкулни осон қилишини энди улар яхши биладилар.

Қ. ҲОЖИЕВ,
Сирдарё вилояти.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● **«УМР НУРЛАРИ» (ШАРОФ РАШИДОВ ҲАҚИДА ЛАВҲАЛАР).**

● **ОМОН МАТЖОН ИЖОДХОНАСИДА**

● **ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ.**

● **«БОЛА УҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)**

● **НАМАНГАН: «КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР». (Фельетон).**

ОБУНА МУДДАТИ—20 НОЯБРГАЧА

● Сизлардан тушган кўпдан-кўп таклифларга биноан редакция Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги олдига қўйган обуна муддатини узайтириш масаласи ижобий ҳал этилди.

Жумҳурият матбуот тарқатиш марказидан хабар қилишларича, «Ўзбекистон овози» ва республикамизда чиқадиган газета ва журналларга, шунингдек, МДҲ бўйича чиқадиган нашрларга ҳам 1993 йил учун обунани 1992 йил 20 ноябргача расмийлаштиришингиз мумкин.

Эслатиб ўтамиз «Ўзбекистон овози»га обуна баҳоси: 1 йилга — 384 сўм, 6 ойга — 192 сўм, уч ойга 96 сўм.

Нашр кўрсаткичи (индекс) — 64583.

● АЖАБ САВДОЛАР

КАЛИШ КЕРАКМИ?

Пулнинг ишқига тушманг экан. Ишқига тушдингизми босар-тусарингизни, еяричарингизни билмай қолар-кансиз. Бинойидек ишлаб юрган Мавлуда ҳам текин пул ишқига тушдию ўзгардиқолди. Айниқса, олиб-сотарлик, чайқовчилик уни тўғри йўлдан оздирди. Шундан бўлса керак, Мавлуда Андижон томонларга кезадиган, фойда деса томдан ташлайдиган одат чиқарди. Кўп ўтмай аёл боши билан қопқоп нарса олиб келиб сотадиган, бир гап билан аққовни янтоққа боғлаб кетадиган даражага етди.

Ана шу бой «тажриба»си боис ҳар икки кунда водий тарафларга йўли тушиб турди. Йўли сафар ёки саёҳат мақсадида тушсаку, нур устига нур. Бироқ Мавлуданинг йўли нуқул чўнтак қаппайтириш, ўзгаларни чув туширишдан ўзиникини ўзгага элтиб беришдан иборат бўлди. Аста-секин бу шум ниятнинг ўпқон очиб, шубҳали ишларга бошлади. Мавлуда Самиева Андижонга совга-салом билан борадиган, у ёқдан харидоргир ноёб моллар билан қайтадиган бўлди.

Натижада камёб молга муккасидан кетган мухлису мижоз ҳам кўпайгандан кўпайди. Ҳатто Ғиждувон шаҳри ва районининг ўзида Мавлудани мол билан таъминлаб турадиган, ундан тақчил матоларни қўш қўллаб кўтарасига савдо қиладиганлар топилиб қолди. Бироқ кўза кунда эмас, кунида синади. Мавлуда Самиеванинг ҳам қилмишлари ўз нуқтасини топди. У яқинда тил бириктириб, аниқроғи ғиждувонликларни анқов санаб 445 жуфт калишни гум қилаётганда қўлга тушди. Келинг, бу воқеа тафсилотини қисқача баён этайлик...

Мавлуда калиш тўла халтасини келиб-келиб 20—78 БХН номерли «Бухоро—Андижон» маршрут бўйлаб қатнайдиган «Икарус» автобуси юкхонасига ошониб қўйса бўладими. Қарангки, ҳар гал ғизиллаб ўтиб кетадиган автобус бу гал Қизилтепа райони давлат назорати ходимлари томонидан тўсатдан тўхататилди. Яна келиб-келиб калишлар яширилган юкхонанинг текширилганини қаранг! Хуллас, кўзанинг сингиси, қаллобнинг қўлга тушиши рост бўлганда!

Калишлар ҳужжати, дейсизми? Эй, қани энди ҳужжат бўлсайди? Агар калишлар 2—3 жуфт, қўйингки 10 жуфт бўлиб ҳужжати бўлмаганда ҳам яхши кунига харид қилибди-да деб, ўтказиб юборилади. Афсуски, бу ерда 445 жуфт калиш бор. Уларнинг ноқонуний олиб кетилаётгани ва бирор расмий ҳужжат бўлмагани учун ҳам М. Самиева бугун мум тишлаб ўтирибди. Калиш ўғриси ҳам қилмишига яраша жазосини олади.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. М. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий жамоаси бош илмий ходим, фалсафа фанлари доктори, профессор О. Файзуллаевга укаси **Жорулла ФАЙЗУЛЛАЕВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика пахта уруғчилиги ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари бирлашма бўлим бошлиги Ў. Мўйдиновга отаси **Олимжон МУЙДИНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Келес жунни қайта ишлаш фабрикаси жамоаси фабрика директори **Аббос Рихсиевич САЙДУЛЛАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Республика пахта уруғчилиги ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари бирлашма бўлим бошлиги Ў. Мўйдиновга отаси **Олимжон МУЙДИНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Чирчиқ ижара сут корхонаси жамоаси корхона директори, техника фанлари номзоди **Вафо Ҳамроқулович ОДИЛОВнинг** бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила-аъзолари, қариндош-уруғларига таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

●

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими— 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда—3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда —35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир: Умида ФАЙЗИЕВА.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 23.20. Г—453. № 219. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.